# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: halksuzi@sand.uz ● 2002 йил 26 сентябрь, №207 (3035) Пайшанба


## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

**25 сентябрь. Вильнюс. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.)**

Бугун эрталаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Литва Сейми (парламент) раиси Артурас Паулаускас билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Литва муносабатларини янада ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Томонлар ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш борасида фикр алмашди.

Президент саройида икки мамлакат давлат раҳбарлари иштирокида литвалик ишбилармонлар билан учрашув бўлиб ўтди. Ислом Каримов Литва тадбиркорларини Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга даъват этди. Жумладан, озиқ-овқат, тўқимачилик, мебелсозлик каби соҳаларда фойдаланилмаётган имкониятлар жуда кўплиги таъкидланди. Транспорт коммуникацияси борасида ҳамкорликни ҳам ҳар томонлама ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимиз раҳбари Вильнюс яқинидаги Тракай шаҳрига борди. Бу шаҳар Литва тарихида муҳим ўрин тутади. XIV-XV асрларда Болтиқбўйидаги савдо-сотиқ муносабатлари кўп жиҳатдан ушбу шаҳар орқали ривожланган. Президентимиз Литва князларининг XIV асрда бунёд этилган тарихий қароргоҳи — Тракай қалъасини бориб кўрди. Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Литва Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.



## Қирқ ҳунарли қиз

*Бир йигитга қирқ ҳунар оз, мақоли бугунги кунда қизларимизга ҳам дахлдор бўлиб қолди. Одинахон Отахонова ҳам ана шундай қирқ ҳунарни эгаллаган замондош қизларимиздан. Тадбиркор. У Шаҳрихондаги "Одина" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари. Ҳозирда мазкур фирмада ишлаб чиқарилаётган тўй либослари, ўқувчилар кийимлари, махсус кийим-бошлар нафақат юртимизда, балки Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам ўз харидорларини топган. Шу пайтга қадар "Одина"да қирқ саккиз нафар қишлоқ ёшлари меҳнат қилишар эди. Яқинда улар сафи яна қирқ нафарга кўпайди. Тикув цехлари кенгайтирилиб, маҳсулот тури ҳажми ортди. Бу эса ўз навбатида фирмада янги иш ўринларининг кўпайишига замин яратди.*

**СУРАТДА: тадбиркор Одина Отахонова тикув цехида.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида таъкидлаганидек, мустақиллик бизга зиммамиздаги халқаро мажбуриятларга риоя этиш ва уларни бажариш, БМТ Низоми талабларига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига қатъий амал қилиб яшаш масъулиятини юклайди.*

## ЕХҲТ ҲУЖЖАТЛАРИ — ЎЗБЕК ТИЛИДА

Халқаро ҳужжатларга қўшилган барча давлатлар учун ўз мамлакатида мазкур ҳужжатларни чоп этиб, имкон қадар кенг тарқатиш билан боғлиқ мажбурият ана шундай муҳим меъёрлардандир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳужжатлар БМТнинг расмий тилларида, аксарият ҳолларда, рус ёки инглиз тилидадир. Бугунги амалиёт эса ушбу ҳужжатлар аҳолининг кенг қатламига тушунарли бўлиши учун уларни давлат тилида нашр этишни ташкиллаштириш зарур эканини кўрсатмоқда.

Бу борада мамлакатимизда муайян ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, 25 сентябрда пойтахтдаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари" тўпламининг ўзбек тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди.

Мазкур тўплам Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталари, Олий Мажлис Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ)нинг Тошкентдаги Маркази ҳамкорлигида нашрга тайёрланди.

Тақдимотда Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори Акмал Саидов, ЕХҲТнинг Тошкентдаги Маркази раҳбари Ганчо Ганчев ва бошқалар сўзга чиқиб, ЕХҲТ инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида тўхталдилар. Мазкур халқаро ҳужжатлар тўплами тўла таркибда илк бор Ўзбекистонда ва ўзбек тилида чоп этилгани алоҳида қайд этилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ушбу обрўли халқаро ташкилотга аъзо бўлганига ўн йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ЕХҲТнинг бошқа иштирокчи давлатлари каби қонун устуворлиги, демократия тамойилларини таъмин этиш ва бу борада демократик институтларни мустаҳкамлаш ва ҳимоялаш ишига муносиб ҳисса қўшаётир. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида ўзи қўшилган шартномалардан келиб чиқиб, зиммасига олган барча халқаро мажбуриятларни қатъият билан бажариб келмоқда.

Инсонийлик мезонлари бўйича ЕХҲТ ҳужжатлари тўплами, биринчи навбатда, юридик йўналишдаги олий ўқув юртлари ўқитувчи ва талабалари, ҳарбий-ўқув муассасалари курсант ва тингловчилари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари учун мўлжалланган. Мазкур ҳужжатлар дипломатлар, шунингдек, фуқаролик институтлари вакиллари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**(ЎзА).**

## Ривожланиш босқичлари

Ўзбекистон ва Литва ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик сўнгги йилларда анча кенгайди. Енгил саноат соҳасидаги ўзаро манфаатли шериклик ҳам тобора ривож топмоқда.

Ўзбекистон дунёнинг пахта толаси ишлаб чиқарувчи етакчи мамлакатларидан бири сифатида хорижий сармоядорларда тобора кўпроқ қизиқиш уйғотмоқда. "Klaina Textil" Ўзбекистон — Литва қўшма корхонасининг ташкил этилиши бунинг мисолидир. Қарийб йигирма йил аввал Наманган вилоятининг Норин туманида қурилган тўқимачилик фабрикаси ускуналар эскиргани боис йилдан-йилга ўз имкониятларини йўқотиб келаётган эди. 1997 йили банкротликка учраган корхона иши деярли тўхтатиб қўйилди. Аввалги фаолиятдан 100 миллион сўм қарз қолди.

2001 йилда "PFAFF SINGER" савдо уйи ва бир неча литвалик тадбиркорлар Ўзбекистон енгил саноат корхоналарига қизиқиш билдирди ва қўшма корхона ташкил этиш таклифини илгари сурди. "Енгилсаноат" уюшмаси томонидан хорижий сармоядорларга Қорақалпоғистон Республикасида, Андижон ва Наманган вилоятларидаги қатор корхоналар таклиф этилди. Литва томони "Норин йигирув-тўқув фабрикаси" акциядорлик жамияти акцияларининг катта қисмини сотиб олди. Корхонани ривожлантириш истиқболли режаси биргаликда ишлаб чиқилди.

— Икки йил давомида биз фабрика ишлаб чиқариш майдонларини реконструкция қилдик, — деди қўшма корхона директори Саулюс Пиворюс. — Америка ва Россияда ишлаб чиқарилган ускуналар сотиб олинди, қарийб бир миллион АҚШ долларига тенг реконструкция ишлари бажарилди.

Шундан сўнг биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан устав жамғармаси 973 минг АҚШ долларига тенг қўшма корхона ташкил этилди. Цехларда яна тўқув дастгоҳлари ишлай бошлади, юзга яқин киши иш билан таъминланди, ходимларнинг ижтимоий шароитлари яхшиланди. Қўшма корхона ҳозирги қувватида йилига 2 минг тонна уч турдаги трикотаж ип ишлаб чиқаради. Норинликлар маҳсулотининг асосий истеъмолчилари Украина, Россия, Литва ҳисобланади. Корхонанинг экспорт салоҳияти ортиб бормоқда. Импорт қилувчилар орасида Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатлари ҳам бўлади.

Келгуси йилнинг март ойидан бошлаб "Klaina Textil"да реконструкциянинг иккинчи босқичини бошлаш режалаштирилмоқда. Бунда ишлаб чиқаришнинг қолган қисмини янги ускуналар билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Литва томони бу мақсадда қўшимча 2 миллион долларни инвестиция қилиш ниятида. Ўзбекистонлик таъсисчиларнинг таклифига кўра бу маблағларни ишлаб чиқаришга янги ускуналарни жорий этишга сарфлашга қарор қилинди.

Кейинги босқичда ип газлама ишлаб чиқаришни бошлаш, трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

**Илҳом РАЗЗОҚОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Юбилей арафасида

Андижонда Бобур номидаги халқаро жамғарма томонидан ташкил этилган илмий конференция бўлиб ўтди. Анжуман жамғарма ва унинг қошидаги шу номдаги илмий экспедиция тузилганлигининг ўн йиллигига бағишланди.

Ўтган даврда кўп ишлар амалга оширилди. Жамғарманинг чет эллик ходимлари ва дўстлари билан бирга олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида нодир қўлёзмалар Ўзбекистонга қайтарилди. Жумладан, гамбурглик доктор Ян Хонзел ва Юрген Андреас Эрнест кўмагида бобурийлар салтанати даврига мансуб девонлар ва 141 минг нусха матнлар олинди. Хуррам Раҳимов жамғармага Арнольд Хоттингернинг "Буюк Акбар" китобини совға қилди. Ҳиндистонлик Қамар Раис Бобурнинг 1902 йилда Калькуттада нашр этилган девонини ҳадя этди. Бугунги кунда Лаҳор, Деҳли, Мозори Шариф, Абу Даби, Билефельд, Киото, Манчестер, Москва, Тошкент, Ўш, Наманганда жамғарманинг бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Жамғарма томонидан тўққизта экспедиция уюштирилди. Улар Африкадан бошлаб Тинч океани соҳилигача бўлган ўнлаб давлатларда бўлди. Экспедициялар давомида бой илмий-тарихий материал тўпланди, шу жумладан Андижонга 400 дан ортиқ китоб олиб келинди, 20 дан ортиқ кино ва видеофильмлар суратга олинди. Экспедиция қатнашчилари томонидан ёзилган ўнта китоб нашр этилди. Бобурийларнинг Ҳиндистон ва Англияда яшаётган авлодлари аниқланди. Конференцияда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг асосий адабий мероси — "Бобурнома"нинг тўлдирилган ва қайта ишланган янги нашри тақдимоти ўтказилди.

Конференцияда сўзга чиққанлар буюк давлат арбоби, саркарда, олим ва шоирнинг бу қомусий асари беш аср давомида бутун дунё тадқиқотчилари эътиборини тортиб келаётганини таъкидлашди. Бу асар кўплаб тилларга таржима қилинган, қайта-қайта нашр этилмоқда. Шу билан бирга, китобнинг 1960 йилда ўзбек тилида чоп этилган, ҳозиргача мавжуд нусхаси қатор камчиликларга эга эди. Профессор Саидбек Ҳасанов раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар томонидан тайёрланган янги нашрда 1960 йил нашрида баён этилган материал танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқилди. Бунда япониялик бобуршунос олим Эйжи Манонинг 1996 йилда чоп этилган мукаммал асари инобатга олинди. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида босилган китоб миниатюралар билан безатилган, қўшимча ва изоҳлар билан тўлдирилган.

Анжуман қатнашчиларининг якдил фикрича, ўқувчи қўлига ниҳоят ҳар томонлама сифатли китоб етиб борди. Мазкур китоб 2003 йилда бутун дунёда нишонланадиган шоир таваллудининг 520 йиллигига ажойиб совғадир.

**С. ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Ҳамкорлар туҳфаси

Маълумки, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари вакили (омбудсман) ташкил топгандан буён кўпгина хайрли тадбирлар ташаббускори сифатида эътибор қозонди. У ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олишга интилмоқда. Ҳуқуқ-тартибот органлари, шунингдек, мамлакатимизда мавжуд халқаро ташкилотлар билан ҳам доимий равишда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Омбудсманнинг ИИВ жазони ижро этиш бош бошқармаси ва Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси билан ҳамкорликда пойтахт вилоятининг Зангиота туманида ўтказган хайрия тадбири ҳам ана шу ҳамкорлик натижасидир. Шуниси эътиборлики, Конрад Аденауэр жамғармаси вояга етмаганлар тарбия колониясига компьютерлаштирилган синфхона совға қилди. Шу муносабат билан турли вазирликлар ва идоралар, ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда ички ишлар вазирининг ўринбосари Р. Қодиров сўзга чиқди.

Шунингдек, Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осиё минтақаси бўйича вакили, жаноб Томас Кунце, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С. Рашидова, халқ таълими вазири ўринбосари У. Мусаевлар ҳам бу тадбирнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида фикр билдирдилар. Бунга жавобан колония тарбияланувчилари озодликка чиққач, ўз шаънларига билиб-билмай туширган доғларни ювишга ва ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишга, мамлакатимиз равнақига сидқидилдан ҳисса қўшишга сўз бердилар.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

### Янгиликлар, воқеалар

## Журналист ва сиёсат

Ўзбекистон Республикаси Миллий матбуот марказида "Оммавий ахборот воситалари ва сиёсат" мавзуида "давра суҳбати" ўтказилди. У Конрад Аденауэр жамғармаси томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ахборот технологиялари ва ахборотнинг глобаллашуви асрида ислоҳотларнинг янги босқичи журналистларни республикада ва дунёда рўй бераётган воқеаларни жамоатчиликка тез, холис ва ҳар томонлама мувозанатланган тарзда етказишга даъват этади.

Тадбирда янги шароитда, ижтимоий фикрни шакллантиришда, Интернетдан фойдаланиб жаҳон ахборот майдонига киришда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ва ўрнига оид масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек тадбир қатнашчилари "Замонавий жамиятда оммавий ахборот воситаларининг ўрни", "Оммавий ахборот воситаларида динларнинг ёритилиши", "Янги шароитда оммавий ахборот воситалари", "Фуқароларнинг сиёсий дунёқарашини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти", "Ўзбекистонда Интернет: имкониятлар ва муаммолар" мавзуларидаги маърузалар эшитилди.

**З. ЭШОНҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Спортчиларимиз Пусанга жўнаб кетди






Шу йил 29 сентябрдан 14 октябрга қадар Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида XIV Осиё ўйинлари ўтказилади. Унда мамлакатимиздан бир юз олтмиш нафардан зиёд спортчи йигирма учта спорт тури бўйича мусобақаларда иштирок этади.

Пойтахт аэропортида Осиё ўйинларига йўл олган Ўзбекистон спорт делегациясини кузатиш маросими бўлиб ўтди.

— Биз Пусанда имкон қадар энг юқори чўққиларни забт этишга, халқимиз ишончини тўла оқлашга ҳаракат қиламиз, — деди тадбирда спортчилар номидан сўзга чиққан бокс бўйича жаҳон чемпиони Ўткирбек Ҳайдаров. — Насиб этса, Ватанимизга шода-шода медаллар билан қайтамиз.

Таниқли санъат намояндалари спортчиларимиз шарафига концерт намойиш этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**
**Муҳаммад АМИН**
**олган суратлар.**

## Танлов давом этмоқда

**Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги кутубхоналар ўртасида Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган "Энг яхши тадбир сценарийси" танлови давом этяпти.**

**Маданият ишлари вазирлигидан ЎзА мухбирига хабар қилишларича, ҳозирги вақтда вазирлик тизимида 5700 дан зиёд оммавий кутубхона фаолият кўрсатаётир. Йил охиригача ўтказиладиган танловдан асосий мақсад — мазкур маърифат масканларида ташкил этилаётган турли учрашув ва давра суҳбатлари, байрам кечалари савиясини янада оширишдир.**

### Сўнгги соатда

## АҚШда телеминора қулади

**Сешанба куни Небраска штати ғарбида чамаси 600 метрлик телевизион минора қулаб тушди. Ҳодиса рўй берганда иншоот қисмларини мустаҳкамлаш ишлари билан шуғулланаётган ишчилардан икки нафари ҳалок бўлди.**

**Ушбу телеминора эгаси «Duhamel Broadcasting Enterprises» компанияси вакили Шэрон Бил фожеада қурбон бўлганларнинг қариндош-уруғларига таъзия билдирди. Яна уч нафар жароҳатланган ишчи шифохонага жўнатилди. Улардан иккитаси тиббий кўрикдан ўтказилганидан сўнг уйларига юборилди. Бундан ташқари, минора ёнида тўхтаб турган машиналар қаттиқ зарар кўрди. Ерга тушган электр кабеллари майсаларни куйдирди, лекин ёнғин тезда ўчирилди. Ҳозир минора ўрнида атиги 15 метрлик қолдиқ қаққайиб турибди.**

**Ўтган асрнинг 60-йилларида бунёд этилган телеминора Небраскада энг баланд иншоот эди.**

**Шэрон Билнинг айтишича, минора алмаштирилади, телекўрсатувлар тикланади, бироқ бунинг учун қанча вақт кетишини айтиш мушкул. Унгача маҳаллий аҳоли кабель каналлари билан чекланиб туришади.**

**NTV RU.com.**

*Айтишларича, қуёш энг бебаҳо ва саховатга тўла нурларини сочаётган паллада Ўзбекистон устида бир неча лаҳза тўхтаб ўтармиш. Ана шу лаҳзалар ичида турфа мевалар, далалардаги ҳосиллар мазаси ўз-ўзидан ширин-шакарга айланар экан. Пахта ҳам айнан қуёшдан қувват олиб, кўсаклар кўз ёриб, ундаги оппоқ толалар қуёш нурларига боғланиб, фақат қуёш нурларида жилва қила бошлайди.*

«Пахта-2002»



# Орият довони

Сиз пахтанинг нозик кулгисини эшитганмисиз? Чаноқлардаги табассумни, бир лаҳза бўлса-да, кузатганмисиз? Қуёшнинг мўлкўл нурлари чайқалаётган оппоқ далаларни кўриб ҳайратга тушганмисиз? Агар бирор бир мукаммал ускуна яратилиб, унинг ёрдамида лўппи-лўппи очилган пахталар текширилганда эди, албатта, пахтамиз ҳам қўшиқ айтаётган бўларди. Чаноқлар бағридан тўлиб-тошиб чиқаётган момиқдай толаларнинг ўз хиргойиси борлигини билардик.

Ўзбекистонни куз фаслида кезган киши, ҳақиқатан ҳам, оппоқ пахтазорларни кўриб, завқ-шавқи ошиши табиий. Бир лаҳза пахтазорни оралаган одам, албатта, пахтанинг кулгисини, қўшиғини ички бир ҳаяжон билан ҳис қилиши мумкин. Айниқса, шу кунларда Навоий вилоятида бўлсангиз, ана шундай туйғулар оғушида қолишингиз табиий. Хатирчи ё Қизилтепа, Навоий ёки Навбаҳор туманларининг далаларидаги ҳосил чўғидан кўзлар қувонади. Навоийликлар бу йилги пахта ҳосилини эрта йиғиб-териб олишга пухта тайёргарлик кўрдилар ва катта куч-ғайрат билан теримга киришдилар.

Навоий тумани вилоятда салмоқли ўринга эга. Туман деҳқонлари бу йил ғалладан 27 минг тонналик хирмон яратиб, ҳосилдорликни гектар ҳисобига 40,6 центнерга етказдилар. Давлатга дон сотиш режаси 109,4 фоиз бажарилди. Шу кунларда 2003 йил ҳосили учун 2 минг гектар ерга дон экиб бўлинди.

Табиат баъзан гўдакка ўхшаб инжиқроқ келади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Бундай пайтда деҳқонга тадбиркорлик иш беради. «Бухоро-6» навини эккан туман пахтакорлари барча далаларда яхши ҳосил етиштирдилар. «Ўзбекистон», «Маданият», «Ҳазора», «Жалойир», «Зарафшон» ширкат хўжаликларида етиштирилган ҳосилдан кўнглинг кўтарилиб, деҳқонлар шаънига фақат яхши, самимий тилаклар айтиб, уларни улуғлагинг, мадҳ этгинг келади. Шундай пайтларда деҳқоннинг жасоратга тўла машаққатли меҳнатини кўриб, биз, ижодкорлар улар олдида қарздорлигимизни яна бир бор ҳис қиламиз...

— Туманимизда 477 та фермер хўжалиги бор, — дейди Навоий тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Эргаш Бердиев. — Эътиборлиси, йилдан-йилга фермерлар сафи кенгайиб бормоқда. Ерга талабгорлар кўп. Лекин ерни ҳақиқий эгаларини топиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Қачонки, ер эгасини топсагина, ундан давлат ҳам, деҳқоннинг ўзи ҳам манфаат кўради. Манфаат бор жойда иш самарали бўлади.

— Хўжаликларда шартнома масалалари қандай йўлга қўйилган?

— Ҳар қандай хўжалик раҳбари шартнома тузишда, аввало, қонунларни яхши билиши керак. Шу боис вилоят адлия бошқармаси мутахассислари ёрдамида семинарлар, махсус ўқувлар ташкил қилганмиз. Низоли ҳолатлар ҳам учраб туради. Бундай пайтда, албатта, қонунга суяниб иш кўрилади. Шартнома белгиланган режаларни тўлиқ бажаришда асосий восита ҳисобланади. Фермерларнинг ривож топиши ҳам асосан шартнома режаларини тўла-тўкис уддалашига боғлиқ. Масалан, туманимиздаги «Лочин», «Илғор», Раҳим Исмоилов номли фермер хўжаликлари фаолиятини ҳар қанча тарғиб қилса арзийди.

Ҳақиқатан ҳам, «Лочин» фермер хўжалигида бўлганимизда, ҳокимнинг юқоридаги айтган фикрларига ишонч ҳосил қилдик. Хўжалик раҳбари Бобоёр Ражабов — асли деҳқон фарзанди. У узоқ йиллар мобайнида собиқ «Нарпай» давлат хўжалигида ишлаган.

— Мустақиллик менинг ерга бўлган меҳримни уйғотди, — дейди Бобоёр Ражабов ғурур билан. — Шу боис 1998 йилда «Жалойир» ширкат хўжалиги таркибида пахтачилик ва деҳқончиликка ихтисослашган фермер хўжалиги туздик. Дастлаб ишлар осон кечгани йўқ. Деҳқон ернинг «калити»ни топиши керак экан. Бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш лозим. Ер дангасани ёқтирмайди. Худога шукур, йилдан-йилга шартнома режаларини ошириб бажаряпмиз.

Энди «Лочин» фермер хўжалиги эришаётган ютуқларни рақамлар мисолида кўрайлик: ўтган йили 10 гектар пахта майдонидан 32,1 тонна ўрнига 59,6 тонна ҳосил олиниб, режа 185,7 фоиз уддаланди, ҳосилдорлик 59,6 центнерга етказилди. Шунингдек, бу йил 15 гектар ғалла майдонидан 60 тонна ўрнига 120 тонна дон етиштирилиб, режа 200 фоизга адо этилди, ҳосилдорлик 80 центнерга етди. Бу эришган ютуқлари учун фермер хўжалиги бошлиғи Бобоёр Ражабов Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан, «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди. Мукофотдан руҳланган фермер бу йил пахта ҳосилдорлигини 70 центнерга етказишни ният қилган.

Маликчўл бағрида ташкил топган Раҳим Исмоилов номли фермер хўжалиги қисқа давр ичида илғорлар сафидан ўрин олди. Ёш ва ғайратли раҳбар Муҳаммадали Исмоилов раҳматли отаси — машҳур деҳқон Раҳим ака бошлаган ишларни дадил давом эттириб, ҳар йили муваффақиятларга эришяпти. У ниҳоятда камтарин ва камгап. Эришаётган ютуқлари ҳақида гапиришни унчалик хушламайди. Савол берсангиз, ерга қараб кулимсираб ўтираверади. Лекин қилаётган ишларидан ҳар қанча ўрнак олса арзийди. Ўзининг махсус техника паркига эга бўлган мазкур хўжалик ҳар йили 165 гектар ерга чигит, 15 гектар ерга ғалла экиб, юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқда. Бу йил ҳам хўжалик далаларида ҳосилнинг чўғи анча баланд. Хўжалик раҳбарининг айтишича, далалардаги ҳосил юз фоиз очилгач, техника ёрдамида бир ҳафтада йиғиб-териб олиниб, шартнома режаси ошириб бажарилиши аниқ.

Туманнинг Ибн Сино номли ширкат хўжалиги таркибида тузилган «Илғор» фермер хўжалиги деҳқонлари ва «Зарафшон» ширкат хўжалигининг Хумор Холмонова бошлиқ пудратчилари ҳам бу йилги пахта ҳосилини эрта йиғиб олишга қизғин киришганлар. Бир томонда пахта терилаётган бўлса, бошқа томонда ғўза баргини дорилаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Хуллас, бу йил 25 минг тонналик юксак хирмонни бунёд этишга бел боғлаган Навоий тумани пахтакорларининг ниятлари баланд. Улар шартномавий режани қисқа фурсатда бажариб, орият довонини забт этмоқчилар.

**Ашурали ЖЎРАЕВ.**

# СУДЬЯЛАРНИНГ ИККИНЧИ СЪЕЗДИ

### Тошкентда Ўзбекистон судьялари уюшмасининг II съезди бўлиб ўтди.

Унда мустақиллик йилларида давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг демократик тизими шаклланганi, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари ваколатларини Конституцияга мувофиқ тақсимлаш тамойили изчиллик билан амалга оширилаётгани қайд этилди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бошланган суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги ишлар изчиллик билан давом этмоқда. Бу ислоҳотлар натижаси ўлароқ судлар ихтисослаштирилди. Фуқаролик, жиноят, хўжалик ва ҳарбий судларда ихтисослашган судьялар фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик туфайли илк бор кўппартиявийлик, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллиги, турли йўналишдаги жамоат бирлашмаларининг, нодавлат ташкилотларининг фаолият кўрсатиши учун кенг йўл очилди. Ўзбекистон судьялари уюшмаси ҳам шундай ташкилотлардан биридир.

1997 йили уюшманинг биринчи таъсис съезди ўтказилганди. Ўтган давр мобайнида қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятлари билан ўзаро алоқалар ўрнатилди. Одил судловни амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлаш, судларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга кўмаклашиш, судьялар, судьяликка номзодлар учун ўқув ва амалий машғулотлар ташкил этиш, аҳоли ўртасида қонунларни тарғиб қилиш уюшма фаолиятининг асосий йўналишига айланди.

Съездда уюшманинг молиявий ҳисоботи тингланди. Эркин Қудратов Ўзбекистон судьялар уюшмаси раислигига қайта сайланди.

Съездда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б.Мустафоев, Олий суд раиси вазифасини бажарувчи А.Ишметов иштирок этди.

**Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири**

# Театрлар фаолиятини юксалтиришга эътибор

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳалар каби театр санъатини ҳам ҳар томонлама ривожлантириш, моддий-техник негизини янада мустаҳкамлаш, юртимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотларда театр арбобларининг фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда миллий ва умумбашарий қадриятларни тараннум этувчи бадиий баркамол саҳна асарларини яратиш замон талабига айланди.

Ўзбекистон Театр ижодкорлари уюшмасининг навбатдаги йиғилишида ана шу ҳақда сўз юритилди. Таъкидланганидек, ушбу уюшма театр жамоаларини истиқлолни улуғловчи, миллий ва умумбашарий қадриятларимизга эҳтиром туйғусини шакллантирувчи ёрқин саҳна асарлари яратишга йўналтириш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда.

Шу билан бирга миллий истиқлол ғояларини улуғловчи, ҳамюртларимизни эзгу мақсадлар сари ундовчи замонамиз қаҳрамонлари сиймоси акс этган саҳна асарларини яратиш ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Йиғилишда “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари Омонулла Ризаев Театр ижодкорлари уюшмасининг раиси этиб сайланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири Х.Жўраев сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

*Юртимиз боғу роғлари билан гўзал. Шу боис эл аро қайси жой ҳақида гап кетар бўлса, аввало, қанду асал, мевалари тилга олинади. Бу борада Булунғур туманида ҳам мақтовга арзигулик ишлар кўп. Хусусан, булунғурликлар сиз суратда кўриб турган Тошпўлат Дурбоевни уста соҳибкор сифатида яхши билишади. У киши бошчилик қилаётган «Тошпўлат» фермер хўжалиги тасарруфида 3 гектар боғ, яна шунча очиқ майдони бор. Соҳибкор бир гапни айтишни хуш кўради: — Эвини қилган бир қарич ердан ҳам мўъжиза яратади. Тошпўлат Дурбоев ҳозир ана шундай орзулар билан яшамоқда.*



**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.**

# Кешнинг тарихий мавқеига бағишланди

Қаршида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган “Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи” республика илмий семинарининг 21-йиғилиши бўлиб ўтди. Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан ўтказилган мазкур семинар мавзуи миллий давлатчилигимиз тарихида Қашқадарё воҳасининг тутган ўрнига бағишланди.

— Кеш ўлкаси ва унинг маркази Шаҳрисабз Ўрта Осиёнинг йирик маданий ва тарихий марказларидан бири бўлиб, бутун минтақа тарихий жараёнларида муҳим ўрин тутган, — деди Фанлар академияси Тарих институти бўлим мудири Эркин Нуриддинов ЎзА мухбирига. — Археологик тадқиқотлар натижасида топилган шаҳар харобаси Узунқир номи билан фанга маълум. У милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарида Жанубий Суғднинг пойтахти бўлган. Юнон-рим манбаларида Наутака деб аталган шаҳар турк ҳоқонлиги даврида Суғднинг марказига айланади.

Бу қадимий юртнинг тарихини ўрганиш мақсадида олиб борилган қазишмалар натижасида топилган қабристонлар, мақбаралар ва қабр тошларидаги эпиграфик ёзувларда бошқа манбаларда сақланмаган шахслар ва сулолалар ҳақидаги қимматли маълумотлар жамланган.

Қашқадарё воҳаси маданиятининг энг гуллаган даври XIV-XV асрларга тўғри келади. Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги йилларида амалга оширилган кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари натижасида Кеш ўлкасининг пойтахти Шаҳрисабз Ўрта Осиёнинг энг гўзал ва бетакрор шаҳарларидан бирига айланган ва жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган.

**Б.ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.**

Ҳамкорликнинг янги қирралари

# «Қабул ЛТД»: «БИР МИЛЛИОН УРЧУҚ» ЛОЙИҲАСИ — АМАЛДА

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган “Қабул ЛТД” акционерлик компанияси билан Япониянинг “Мицубиси” корпорацияси ўртасида умумий қиймати 120 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ меморандум имзоланди. Бу меморандумдан кўзланган мақсад Тошкент вилоятининг Бўка туманида йилига 20 минг тонна калава ип, 11 миллион погон метр бўз маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган янги фабрикани ишга туширишдан иборат. Лойиҳа Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки томонидан молиялаштирилади. Янги корхона эса “Қабул ЛТД”нинг “Бир миллион урчуқ” дастури доирасида амалга ошираётган лойиҳаларидан тўртинчисидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу дастур лойиҳаси Ўзбекистон Президентининг 1999 йилда Сеулга қилган расмий ташрифи чоғида имзоланган бўлиб, унга кўра, мамлакатимизда ҳар икки йилда биттадан, жами 10 та ана шундай замонавий тўқимачилик мажмуи барпо этилади.

Дарҳақиқат, 1995-1997 йилларда барпо этилган “Қабул—Тойтепа текстиль” ва “Қабул—ўзбек Ко. ЛТД” қўшма корхоналари қисқа муддатда оёққа туриб олиб, мамлакатимиз иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшаяпти. Улар беш мингдан зиёд ёшларни ўз бағрига олган. Ҳар йили юзга яқин ёшлар Жанубий Кореяда тажрибаларини орттириб қайтиб, мураккаб технологияларни бошқариш имкониятига эга бўлишди. Бундан ташқари, биргина ўтган йили улар жами 80 миллион АҚШ доллари атрофидаги маҳсулотни хорижга экспорт қилишга эришди. Бу — йилига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 95 фоизи экспортга йўналтирилаяпти, деганидир.

Ўтган йилга келиб эса, 118 миллион АҚШ доллари қийматидаги сармояси ётқизилган “Қабул-Фарғона Ко” қўшма корхонасининг ишга туширилиши эса икки дўст мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорликни яна бир босқичга кўтарди.

Бўка туманида қурилиши мўлжалланаётган янги фабриканинг аввалги турдошларидан фарқли томони шундаки, унда нафақат ярим тайёр маҳсулотлар, балки бўялиб тайёр ҳолга келтирилган саноат моллари ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Лойиҳалаштирилаётган мазкур корхонанинг яна бир аҳамиятли жиҳати шуки, у Ўзбекистон—Корея ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш билан бир қаторда мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ, “Халқ сўзи” мухбири.**

# Биз жаҳонга чиқамиз

Яширишнинг ҳожати йўқ: илгари бизнинг туманимизда бирор қўшма корхона тузилмаган эди. Ҳозир бу борада бир неча йўналишда иш олиб борилмоқда. Бироқ дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқариш бизнинг «Баҳодир ва «К» фирмамизга насиб қилгани ғайратимизга-ғайрат қўшяпти. Фирмамиз асосан халқ истеъмоли моллари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди. Эндиликда фаолиятимиз қамровини кенгайтирдик. Чунки мамлакатимиз, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ерости ва erусти бойликларининг кўплиги билан ажралиб туради. Бизда, хусусан, жаҳон фармацевтикасида ўта қадрланадиган ширинмия илдизи ҳам бор. Сўнгги бир-икки йил ичида ширинмия илдизини тайёрлашни йўлга қўйдик. Мисол учун, жорий йилнинг биринчи чорагида хорижга 7100 АҚШ доллари миқдорида қимматбаҳо илдиз сотдик. Шу аснода хорижлик ҳамкорлар билан ҳам алоқа ўрнатдик. Айниқса, Германиянинг Гамбург шаҳридаги «Юнус-Трайдинг ГМБХ» фирмаси билан алоқамиз изчил ривожланмоқда. Фирманинг Тошкентдаги «Юнус ЛТД» шўъба корхонаси бизни қўллаб-қувватламоқда.

Хорижликлар билан муносабатларимизни шакллантириш йўлида ҳаракат қилиб юрган кезларимизда мамлакатимиз Президенти «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга имзо чекдилар. Чин маънода имкон эшиклари очилди. Илгари камида 150 минг АҚШ доллари миқдорида Низом жамғармасига эга бўлган корхоналаргина қўшма корхона мақомини олиши мумкин эди. Янги ҳужжатда эса бу борада катта қулайлик туғдирди. Айнан шуning учун ҳам 80 минг АҚШ доллари миқдоридаги Низом жамғармасига эга бўлган қўшма корхонамиз 2002 йилнинг 23 август куни Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтди. Биз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, ширинмия илдизидан биологик модда ажратиб олиш, бир неча турдаги ноёб дори-дармонларни тайёрлаш ҳамда уларни жаҳон бозорига чиқаришни йўлга қўямиз. Истиқлол берган имкондан самарали фойдаланишнинг барча чораларини кўрамиз!

**Қодир АВЕЗИМБЕТОВ, Беруний туманидаги «LICO-Roots» қўшма корхонасининг раҳбари.**

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

# Соҳилбўйидаги қонунбузарлар



Қирғоқ бўйи дахлсиз ҳудуд. У дарёга тегишли ва бу жойда деҳқончилик қилиш, бирор-бир иншоот қуриш ёки саноат ишлаб чиқаришини жойлаштириш қонун йўли билан таъқиқланади. Сирдарёнинг Наманган вилоятидан оқиб ўтувчи 15 километрга чўзилиб кетган қисмида ана шундай дахлсиз ҳудуд 1200 гектарни ташкил этади. Азим сув манбаининг икки ёнидаги узундан-узун соҳилларда фақатгина ўрмонзорлар барпо этишга рухсат берилган, холос. Шунда дамбалар емирилиши, муҳофаза минтақалари ва атрофдаги ер майдонларини сув босиши, заҳлаб кетиши, ботқоқликлар пайдо бўлиши, бошқа фавқулодда ҳолатларнинг олди олинади. Кейинги йилларда ана шу мақсадда Сир қирғоқларига 2,8 миллион туп ўрмонбоп дарахт кўчатлари ўтқазилди. Янги экилгани амалдаги йилнинг ўзида 600 минг тупдан ошди. Иҳота дарахтзорлари кенгайишига соҳилбўйида яшовчи фуқаролар ҳам чин дилдан кўмаклашаётганлари эътиборли. Масалан, Тўрақўрғон туманининг Бураматут қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Юнусали Раҳимов кўҳна Ахсакент ёдгорликлари пойида, соҳилнинг ўнг қисмида салкам ўн гектарли тераkзор яратди. Кўриб, ҳавасингиз келади. Ҳам атроф-муҳит мусаффолигига, ҳам тадбиркор ҳамёнига нафи катта бу ишнинг.

Аммо, ҳамма Юнусали сингари эмас-да. Бу фидойи инсон хайрли ишга қўл урган жойдан бироз ўтсангиз дарёнинг чап томонидан қайириб олинган шолипояга кўзингиз тушади. Уни Гулқишлоқ ғишт корхонаси ишчиси Рустамжон Тожиаҳмедов ўзлаштирган. Ўн сотихлар чамасидаги ерда гуркираб ўсаётган шолининг авжидан кўриниб турибдики, у анчагина маъданли ўғитни «паққос туширган» ва ковшини дарё томонга қайтариб улгурган. Буниси ҳолва экан. Сал нарида уддабуронроқ бир киши қулинг ўргилсин «дала ҳовли» барпо этибди. Ўртада кичик уйча, атрофи хурмозор боғ. Эгасини Баҳромжон Парпиев дейишар экан. Қаранг, у киши ҳам ўзанни боққа айлантирмоқни ният қилибдилару, бирров сўраб-суриштириб кўришни эп билмабдилар. Қирғоқ муҳофазасига оид қонун-қоидани писанд қилмаганлардан яна бири Абдуғаффор Нишонов. У дарё ўзанига ўн сотих қовун экиб, зах жойда ҳам полиз экинлари парваришлаш мумкинлигини «исботламоқчи бўлган» чоғи. Қонунбузарларнинг қай бири билан гаплашманг, бу ерларни «тераkзорга айлантириш» учун олганини айтади. Лекин, бирортасининг қўлида рухсатнома ёки шартнома деган нарсанинг ўзи йўқ. Булар Мингбулоқ тумани ҳудудида рўй бераётган ўзбошимчаликлар.

Соҳилни эгасиз, деб билганлар бошқа туманларда ҳам бор. Табиат ҳимоячилари таъқиқланган жойга хоҳлаган экинини экиб, атроф-муҳитга зарар етказган норинлик Ғ. Рўзимов, М. Камолов, уйчилик Ф. Ҳожиназаров, Ғ. Раҳмонбердиев, У. Турсунов сингари ўнлаб фуқароларни ҳақли равишда жаримага тортишди.

Наманган тумани табиатни муҳофаза қилиш назоратидагилар эса ширкат хўжаликлари рухсатсиз эгаллаб олган қирғоқ муҳофаза минтақасини тиклолмай овора. Туман ҳудудидаги шундай мақом берилган 59,6 гектар ерга хўжаликлар турли экинларни экиб ташлашган. Баъзи жойларда тўхтовсиз сув оқизилаверганидан дамбалар ювилиб, жарликлар ҳосил бўлган. «Пахтаобод» ширкат хўжалигида ҳатто ўзлари ваколатсиз бўлган соҳил бўйидаги 8 гектар ерни фермер хўжалиги учун ажратиб беришгача бориб етишибди.

Савол туғилади: наҳотки юқоридаги сингари ишга қўл ураётган фуқаро ва хўжалик раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг табиатни, ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ўрмон бойликларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қатор қонунлардан бехабар бўлишса?!

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси масъул идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда тузилган тадбирларга мувофиқ очиқ сув ҳавзалари бўйлаб ўтказаётган рейдларда бундай қонунбузарлик кўринишларига қарши қатъий чоралар кўриб келаётир. Жумладан, жорий йилнинг ўтган ойларидаги текширишлар жараёнида сув ҳавзаларини ифлослантиргани ва ҳудуд тартибини бузганлиги учун 401 мансабдор шахс ва фуқароларга маъмурий чора кўрилиб, улардан 331238 сўм жарима ундирилди. 33,2 гектар ердаги сув ўзанларида пайдо бўлган «экинзор»лар буздириб ташланди. Сув муҳофаза минтақасидан тўпланган 15628 тонна чиқинди белгиланган жойларга чиқарилди.

Экологик қонунбузарлик кўринишларидан яна бири — корхона, ташкилот ва хўжаликлар томонидан қирғоқ муҳофаза минтақасига турли иншоотларни жойлаштириб олинаётгани, қўмита мутахассислари Норин, Қорадарё, Сирдарё ва уларга келиб қуйиладиган сой, канал, бошқа сув ҳавзалари бўйига қуйилган бундай «объект»ларни қайтадан рўйхатга олишди. Натижада 45 жойда сув муҳофазасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иншоотлар борлиги аниқланиб, 18 таси экологик хавфсиз жойга кўчирилди. Улар орасида Косонсой туманидаги «Намуна» ширкат хўжалиги ва Янгиқўрғондаги «Мойбулоқ» ҳиссадорлик жамиятининг сой қирғоғидаги сутчилик фермалари, Наманган туманидаги автомобилларни ювиш шохобчаси, Учқўрғон туманидаги «Раста» хусусий фирмасига қарашли АЁҚШ, Чортоқ туманидаги «Ойқирон» ширкат хўжалигининг минерал ўғит омбори ва бошқалар бор.

— Бу, қирғоқ муҳофаза ҳудудини тартибга солиш борасидаги ишлар. Аммо, Сирдарё сувини мусаффолаштириш соҳасида айрим муаммолар ҳам борки, уларни ҳал этиш учун анчагина куч ва маблағ зарур, — дейди қўмита сув ресурсларини муҳофаза қилиш давлат назорати бошлиғи Акбарали Ҳасанов. — Жумладан, вилоятимиздаги зах-зовурлардан йилига ўртача 2250 миллион кубометр сув Сирдарё ва унга қуйилувчи шохобчаларга ташланади. Унинг 1287 миллион кубометрининг шўрланганлик даражаси меъёридан юқори бўлиб, махсус технология асосида тозалашни тақозо этади. Амалда шундай қилиняптими? Йўқ. Бу ҳақда нафақат табиат муҳофазасига доир, балки юқорироқ идоралар ҳам жиддий бош қотирадиган пайт келди. Шунингдек, дарё сувини саноат корхоналари ва аҳоли хонадонларидан чиқадиган оқовалар билан ифлосланишининг олдини олиш учун мавжуд сув тозалаш иншоотлари қувватини ошириш зарур.

Мутахассис айтган муаммолар ечимини тезлаштириш лозим. Шунда жўшиб оқаётган Сирнинг суви кўзгудай тиниқ бўлади, дарё қирғоғидаги ерлар шўрланишининг олди олинади, далалардан оқиб келувчи пестицид ва биоген моддалар йўли тўсилади, қирғоқ эррозияси тўхтатилади, энг муҳими табиат ёшаради. Одамлар ундан кўпроқ баҳра оладилар. Соҳилларда эса ёввойи паррандалар ва ҳайвонот дунёси кенгаяди. Аслида қирғоқ муҳофазаси бўйича амалга оширилаётган тадбирлардан кутилаётган натижа ҳам шу.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Семинар

# Мактаб ошхоналарида.

## тайёрланаётган таомлар сифати талабга жавоб берадими?

*«Ўзбексавдо» акциянерлик компаниясида Халқ таълими вазирлиги тизими, «Ўзбексавдо» ва ҳудудий «Савдо» акциядорлик компаниялари ҳамда турли мулк шаклидаги умумий овқатланиш корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида Тошкент шаҳрида ўқувчилар овқатланишини ташкил этишга дахлдор кўргазмали семинар ўтказилди.*

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан баркамол авлодни вояга етказиш, эртанги кун вакиллари ҳақида қайғуриш борасида «Соғлом авлод» дастури қабул қилинган эди.

Жорий йилнинг февраль ойида «Ўзбексавдо» акциянерлик компаниясининг кенгайтирилган йиғилишида умумтаълим мактаблари ошхоналари ишини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда талаб даражасида яхшилаш масаласи қўйилиб, сентябрь ойида Фарғона, Тошкент шаҳарларида республика кўргазмали семинар ўтказишга келишиб олинганди.

Семинар ўтказишдан кўзланган мақсад аниқ. Хўш, жойлардаги ўқувчилар ошхоналари талаб даражасидами? Масалани ўрганишга икки тизим мутахассислари жалб қилинди. Натижалар шуни кўрсатдики, республикадаги мавжуд 9480 та мактабдан 7800 тасида ошхона ва буфетлар бўлиб, улардан 3900 тасида технологик асбоб-ускуналар таъмирталаб, 6400 тасида турли хил асбоб-ускуналар етишмайди. Солиқлар, ижара ҳақи, ёнилғи, электр энергияси ва бошқа тўловлар ҳисобига овқатлар нархи қиммат. Янгиер, Фарғона, Жиззах, Тахиатош, Каттақўрғон, Қарши ва Косон шаҳарларида асосан мактаб раҳбари билан тузилган шартнома асосида хусусий тадбиркорлар овқатларни бозордан сотиб олинган маҳсулотлардан тайёрлашмоқда. Уларга марказлашган манбалардан чекланган нархларда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилмаган. Қурилган айрим мактаблар олдида уй шароитида тайёрланиб, озиқ-овқат маҳсулотлари, салқин ичимликлар санитария қоидаларига зид равишда ҳеч қандай ҳужжатсиз сотилаётгани аниқланди.

Мазкур масала Вазирлар Маҳкамасида атрофлича кўриб чиқилди ва тегишли тармоқ раҳбарларига қўшимча кўрсатмалар берилди. Мактаб ошхоналарини таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 614,5 миллион сўм маблағ ажратилади.

Республика кўргазмали семинарининг Тошкент шаҳрида ўтказилиши бежиз эмас. Чунки, шаҳардаги қатор мактаб ошхоналари замонавий талаб даражасида иш юритмоқда. Масалан, Мирзо Улуғбек туманидаги 64-, Шайхонтоҳур туманидаги 324-, Ҳамза туманидаги 307-, Юнусобод туманидаги 9-мактабларнинг ўқувчилар ошхонаси фикримизга далилдир. Айниқса, Акмал Икромов туманидаги 245-мактаб ўқувчилар ошхонасининг «Сағбон нон» корхонаси томонидан оталиққа олинганлиги таҳсинга лойиқдир. Ҳар куни мактаб ошхонасига корхона томонидан иссиқ нон ва булочка маҳсулотлари етказиб берилади.



Кўргазмали семинар қатнашчилари қунт билан ишланса ва ташкиллаштирилса, муаммолар ўз ечимини топади, деган хулосага келишди.

Тадбирда республика Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов қатнашди.

**Муфтилло ЮСУПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**





# Мусиқа фестивали якунланди

Ўзбекистон Давлат консерваториясида III Халқаро симфоник мусиқа фестивали якунланди. Мамлакатимизда учинчи бор ўтказилган мазкур фестиваль жаҳон симфониясининг энг нодир намуналари, шунингдек, ўзбек бастакорларининг янги асарлари намойишига айланди. Фестиваль иштирокчилари юртимиздаги олий ўқув юртлари, коллежлар, санъат даргоҳларида ҳам ўз ижодий дастурларини ижро этди. Мусиқа - сеҳрли санъат, - дейди италиялик мусиқашунос Микеле Пеццуто ЎзА мухбирига. - Уни ирқи, миллати, динидан қатъий назар ҳамма бирдек тушунаверади. Ўзбекистонда мусиқа санъати гуркираб ривожланаётганига яна бир бор иқрор бўлдик. Сабаби юртингизда қадимий мусиқий анъаналар ғоят эъзозланар, уларга алоҳида эътибор билан қаралар экан. Биз қадимий ва замонавий миллий асарларни тинглаб, завқландик.

# Аждодлар анъанасига садоқат

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида "Ватанпарвар аждодлар қаҳрамонлик анъаналарининг содиқ давомчилари бўлиш — Ўзбекистон ёшларининг бурчи" мавзуида маърифат дарси ўтказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шахсий таркибни ватанпарварлик ва мардлик руҳида тарбиялашга қаратилган мазкур тадбир Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамкорлигида мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Очиқ мулоқот руҳида ўтган машғулотда ёшлар онгида юртга садоқат ва муҳаббат, мустақиллик ғурури, аждодлар эзгу анъаналарига ҳурмат каби туйғуларни шакллантириш, ота-боболаримизнинг ибратли ҳаёт йўллари ва панду насиҳатлари мажмуи бўлган бой адабий-илмий меросдан кенг фойдаланиш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

**(ЎзА).**

Орамиздаги одамлар

*Шомурод жўрам бўлади. Шунинг учун феъл-атворини яхши биламан, деб юрардим. Лекин одам боласини биламан, деб бўлмас экан. Негаки, бугун кўрган фотомухбирингиз эртага «Насаф ва кешлик алломалар меросини ўрганиш хайрия илмий маркази»ни бошқариб турса, индинига «Омонхона мўъжизалари» китобини ёзса... Хуллас, ҳеч ким қилмаган ишларни қилиб юрса, қандай қилиб уни биламан, деб айта оласиз.*

# Қишда ҳам қулупнай пиширадиган биолог

Гапни узоқдан бошлашга тўғри келади. Бундан 3-4 йил аввал Шомуроднинг онаси қазо қилди. Бордик. Орадан 3-4 кун ўтиб, яна борсак, Шомурод уйда йўқ. «Қани?» десак, қабристонда, дейишди. Марҳумнинг қабрини зиёрат қилишга кетгандир-да, деб қўя қолдик. Кейин билсак, Шомурод ташвишда юрган экан.

— «Жамоа, марҳум қандай одам эди?» деган саволга «Яхши одам эди», деб жавоб берамиз-у, қабристондан жуфтакни ростлаймиз, — деди Шомурод бир гурунгда. — Чунки қабристонга қараган кишининг юраги увушади. Бир ёнда бойўғли сайрайди, бир ёнда янтоқзор, қамишзор... Худди Абдулла Қаҳҳор тасвирлаган мозористон. Одамни ютаман дейди. Нега шундай? Нега марҳумлар гулларга чулғаниб, сарв дарахтлари соясида ётишмайди? Нега? Нега биз эрта-бир кун қабристонга келишимизни ўйламаймиз...

Хуллас, Шомурод қишлоғидаги (Кахлакдаги) Патта ва Жойидори қабристонларини ўзича обод қилишга киришди. Патта дарахтларини (бу дарахтнинг танаси тилинса, шифобахш шарбат чиқади) кўпайтиришга, етмаса, бошқа дарахт ниҳолларидан ўстиришга бел боғлади. Шунда унинг олдида кўчат муаммоси пайдо бўлди. Кўчатларни қаердан ва кимдан олиш керак? «Ҳеч кимдан, деди у ўзига ўзи, — ўзим етиштираман!». Шундай қилиб, иш бошлади. Қарши шаҳридаги «доми»дан Қарши туманидаги Хитойкент маҳалласига кўчди. Шу тариқа 6 сотихли ҳовлиси ва унинг атрофи қарағай, арча, сарв дарахтлари кўчатларига тўлди. Гулларнинг сон-саноғи йўқ.

— Маҳалламиздаги ҳар хонадонга 2 тадан сарв кўчатини текин бердим, — дейди у. — Қуритиб қўймаслик шарти билан. Ҳамсояларимга гул ниҳоллари ҳам текин. Мақсад ён-атрофимизни, кўчамизни, аста-секин маҳалламизни обод қилиш.

Шомурод шу билан ҳам тиниб-тинчимайди. Тор ҳовлида ҳўкиз боқади. Товуқ асрайди. Зироат билан шуғулланади. Булғор қалампиридан тортиб гулкарамгача етиштиради.

— Бир товуқ донини ҳам, сувини ҳам ўзи топади, сиздан пул талаб қилмайди, — кулади жўрам. — Фақат қарасангиз, меҳнатидан қочмасангиз бас!

Қишда ҳам Шомуродга эрмак бор. Уйда тувакда қулупнай ўстиради. Меҳмонларга тувакда ўсиб, гуллаб, қип-қизил бўлиб пишган қулупнайларни узиб, едиради. Бундан ўзи завқ олади.

— 21 йил шаҳарда турдим, — дейди у. — Фақат фотомухбирлик, ижод билан шуғулландим, асосий касбимни қилишга фурсат бўлмади. Мана, энди...

Дарвоқе, асли биолог Шомурод Шаропов ЎзАнинг Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари бўйича фотомухбири бўлиб ишлайди.

— Дуппа-дуруст фотомухбир одам дабдурустдан китоб ёзса, энди Абу Муин ан Насафийнинг юбилейини ўтказамиз, деб тарихни титкилаб юрса, қизиғ-а! — кулишади жўралари унга ҳазиллашиб.

— Одамзод ёруғ дунёга келиб, бир касбнинг этагини тутиб, шу билан дунёдан ўтиб кетишига қаршиман, — дейди у бунга жавобан. — Ахир йигит кишига қирқ ҳунар ҳам оз деган нақл бор халқимизда. Меники бир эрмак-да...

Жўрам ўз ишини шунчаки эрмак, дейди. Лекин бу «эрмак»лар замирида жиддий маъно бор. Уларни уқиш ва хулоса чиқариш ҳар биримизнинг ўзимизга ҳавола. Шомурод ундоқ қилайлик, бундоқ қилайлик, демай шов-шувсиз ўз ишини қиляпти. Қани энди ҳар ким шундай қилса. Шунда маҳаллаларимиз обод бўларди, шаҳарларимиз тағин ҳам чирой очарди. Нима дедингиз, тўғрими?

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



***Бувижон, сиз билан бўйим тенг...***

**Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат-лавҳа.**

# Янги иш ўринлари

Мингбулоқ савдо-харид жамияти ҳузуридаги "Она-ер саховати" тайёрлов корхонаси қуруқ мевалар ва сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Табиат неъматларини қайта ишловчи ушбу кичик завод Украинанинг "СКО-90" ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 80 миллион сўмга тенг. Корхона бир ойда 500 тоннагача маҳсулотни қайта ишлаш, 30-40 тонна қуруқ мева ва сабзавот консервалари тайёрлаш имкониятига эга.

Янги корхона ишга туширилиши туфайли 50 нафар мингбулоқлик иш билан таъминланди.

**И.РАЗЗОҚОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Жорий йилда Вазирлар Маҳкамасининг "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида", "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда 19 июлда "Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди.

Мазкур қарорлар республикамизга истеъмол товарлари ноқонуний олиб кирилишининг олдини олиш билан бирга турли ноқонуний йўллар билан олиб кирилган товарларнинг ички бозорларда тегишли ҳужжатларсиз савдо қилинишига ҳам чек қўйди. Айни пайтда қонун доирасида иш юритувчи ҳалол тадбиркорлар учун маълум енгилликлар яратилди. Жумладан, қўшимча қиймат солиғи, божхона божлари ва йиғимлар ўрнига ягона божхона тўлов тўлашни назарда тутувчи божхона тўловлари ундиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармасида тадбиркорлар билан бўлиб ўтган учрашувда шу ҳақда гап борди.

Учрашувда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20 августда қабул қилинган "Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бўйича ҳам батафсил фикр юритилди.

Бу ҳужжат юқорида қайд этилган ҳукумат қарорларининг ижросини янада такомиллаштириш ва мамлакатимизга сифатсиз маҳсулотларнинг кириб келишининг олдини олишга қаратилгани таъкидланди. Мазкур қарорга кўра, ички бозорни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоялаш мақсадида 2002 йил 1 октябридан бошлаб, юридик ва жисмоний шахслар томонидан республикамизга олиб келинган барча турдаги истеъмол товарларини божхона расмийлаштируви фақатгина мувофиқлик сертификати тақдим этилгандагина амалга оширилади. Истеъмол товарлари учун мувофиқлик сертификатлари "Ўздавстандарт" маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўрнатилган тартибда берилади.

Очиқ мулоқот руҳида ўтган тадбирда Давлат божхона қўмитаси масъул ходимлари, шаҳар божхона бошқармаси раҳбарияти ҳамда соҳа мутахассис-олимлари тадбиркорларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

Учрашувда божхоначиларнинг якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор бераётгани ижобий баҳоланди. Жумладан, Тошкентда жойлашган йирик улгуржи ва чакана бозорларда маслаҳат пунктлари ташкил этилиб, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида кенг кўламда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилаётгани, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштирилаётгани тадбиркорлар учун айни муддао экани таъкидланди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Оила — жамият ва давлат асоси

*Инсон омили, инсон имкониятлари, алалоқибат, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош йўналиши ва самарадорлигини белгилайди. Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, улар жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг устувор тамойилларидан ҳисобланади. Бу жараёнда, инсон шахсини такомиллаштиришда маънавият, ахлоқ, маърифат каби қадриятлар асосий ўрин тутиши лозим.*

Инсон шахсини шакллантиришда оила, шубҳасиз, дастлабки босқич вазифасини ўтайди, яъни оилада одамларнинг бир-бири билан, жамият ва давлатга нисбатан муносабатига асос солинади.

Шу муносабат билан "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази **"Жамият ва оила: маънавий ва ахлоқий олам"** мавзуида сўров ўтказди. Тадқиқотдан кўзланган мақсад — Ўзбекистон фуқароларининг оила ва оилавий муносабатларга қараши, миллий қадриятлар ва маҳалланинг оила ҳаётидаги ўрни, бу борада барқарор анъаналарни тиклаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини аниқлаш ва ўрганишдан иборат эди. Сўровда 10 вилоят, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳри қамраб олинди. Унда эркаклар ва аёллар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси иштирок этди.

**"Замонавий оила жамият ҳаётида қандай асосий вазифани ўтайди?"** деган саволга сўралганларнинг 47,5 фоизи оила жамият ва давлат асоси, дея жавоб берди. Сўров иштирокчиларининг 21,2 фоизи оила ёш авлодни тарбиялаш вазифасини бажаради, деган фикр билдирди. 11,2 фоиз сўров иштирокчиларининг фикрича, оила мамлакатда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга кўмаклашади. 7,9 фоиз одамлар эса оила вазифасини насл қолдиришда, деб билади.

Оиланинг ҳар бир инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида сўралганлар қуйидаги фикрларни билдирди: "у наслни давом эттириш, болалар туғилиши ва тарбияси учун зарур" /63,2 фоиз/, "оила — инсон қўрғони, унга ҳаётда ишонч бағишлайди" /28,8 фоиз/, "оила одам қариганда уни таъминлаш учун зарур" / 4,9 фоиз/. Айни пайтда пойтахтликлар — сўралганларнинг 52,6 фоизи — оила улар учун, аввалambор, ҳаётда ишонч бағишловчи қўрғон эканлигини кўпроқ таъкидлашди.

Оиладаги муҳит унинг ҳар бир аъзоси шахсий хусусиятлари шаклланишига катта таъсир кўрсатади ва унинг ижтимоийлашуви жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, бола оила ичидаги муносабатларни ўзлаштиради ва бу нарса унинг ўзи муваффақиятли оила қуришига таъсир қилади. Сўровдан кўринадики, кўпчилик оилаларда руҳий муҳит анча яхши — сўралганларнинг 79,1 фоизи шундай жавоб берган. Сўралганларнинг қарийб ярми /49,3 фоиз/ оиласидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва сабр-тоқат, учдан биридан кўпроғида эса (28,4 фоиз) муҳаббат ва бир-бирини тушуниш тамойилига асосланади. Оилаларнинг 8 фоизида улар ҳурмат ва отанинг ҳал қилувчи сўзига, 7 фоизида ёши каттaларнинг обрўсига, 4,2 фоизида оила аъзолари ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш тамойилига асосланади. Олинган маълумотлар шундан далолат берадики, сўралганларнинг 44,6 фоизи оиласида муҳим масалалар юзасидан сўнгги қарорни одатда ота чиқаради. 30,9 фоиз оилаларда улар ота ва она томонидан бирга, 11,7 фоиз оилаларда ҳамма билан келишган ҳолда чиқарилади. 4,8 фоиз сўралганлар ҳаммаси муайян вазиятга боғлиқ эканлигини айтишган.

Тадқиқот натижаларидан кўринадики, она /хотин/ болалар билан кўпроқ вақт ўтказади, уларнинг тарбияси билан шуғулланади. Бу сўралганларнинг жавоблари билан тасдиқланади. Уларнинг 63,1 фоизи болалар тарбиясида она асосий ўрин тутишини кўрсатган. 25 фоиз сўралганлар уларнинг оилаларида она ва ота болаларга бир хилда эътибор қаратишини таъкидлайди. Айни пайтда сўралганларнинг ярмидан кўпи /59,9 фоиз/ улар тарбияси билан ота ва она бирга шуғулланиши лозим, деб ҳисоблайди. Уларнинг фақат учдан бирининг фикрича, бу, аввалambор, онанинг вазифаси. Сўров иштирокчиларининг фикрича, бола тарбиясида оиланинг бошқа аъзоларининг роли катта эмас. **"Фарзандлари имон-эътиқодли шахс бўлиб шаклланиши, ҳаётидан рози бўлиши учун ота-оналар уларда қандай фазилатларни тарбиялашлари лозим?"** деган саволга жавоб берар экан, сўралганлар аввало меҳнатсеварликни /19,4 фоиз/ биринчи ўринга қўйишди. Иккинчи ўринни ростгўйлик /18,2 фоиз/, учинчи ўринни ақлий ривожланиш, яхши билимларга эга бўлиш ва тўртинчи ўринни ота-онага меҳрибонлик ва ҳурмат эгаллайди.

Сўров маҳалла жамиятимизда маънавият ва ахлоқ шаклланишида муҳим ўрин тутишини кўрсатди. Маҳалла ўзининг муайян, одатга айланган ахлоқ меъёрларига эга. **"Ўз хатти-ҳаракатларингизни маҳаллада қабул қилинган меъёр ва қоидаларга мослаштириш керак, деб ҳисоблайсизми?"** деган саволга 44,6 фоиз сўралганлар ижобий жавоб берди. 34,8 фоиз одам ўз ҳаракатларини айрим ҳолатларда мослаштиришга тайёр. 15,8 фоиз одам эса маҳаллада қабул қилинган қоидалардан мустақил ҳаёт кечириш ниятида эканлигини маълум қилади. Шундай бўлса-да, сўров қатнашчиларининг 34,6 фоизи ўз оиласи ҳаёт тарзи, унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларни мазкур меъёр ва қоидаларга мувофиқлаштиришни ўзининг бурчи, деб билади.

Ўтказилган тадқиқотда қатор саволлар замонавий жамиятда анъаналарнинг долзарблигини, баъзи удумларнинг ҳаётийлиги ва бошқаларининг йўқ бўлиб кетиши сабабларини ўрганиш ҳамда мамлакатимиз аҳолиси кўпроқ ёқтирадиган байрамларни аниқлашга бағишланган эди.

Халқ анъаналарига муносабат одамларнинг маълум расм-русум ва удумларни бажаришга интилишида ифодаланади. Сўров натижалари кўрсатдики, фуқароларимизнинг ярмидан кўпроғи /55,2 фоиз/ халқ анъаналарига риоя этишга, урф-одатлар ва удумларни доимо бажаришга ҳаракат қилади. Сўралганларнинг чорагидан кўпи урф-одатларга амал қилади, аммо доимий равишда эмас. Сўралганларнинг 64,7 фоизи аждодлар мероси бўлган халқ анъаналарини сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш зарур, деб билади ва шу боис унга амал қилади. 11 фоиз фуқаролар эса анъаналарга амал қилишни шу халққа мансублик ифодаси деб билади. Бундан ташқари кўпгина оилаларнинг /43,9 фоиз/ ўз анъаналари ҳам мавжуд бўлиб, улар оилани мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатлар янада самимий ва сермазмун бўлишига хизмат қилади.

Анъаналар ва миллий қадриятлар ҳамда уларнинг оилавий муносабатларда тутган ўрни ҳақида сўз кетар экан, замонавий одамлар ҳаётида байрамлар алоҳида аҳамиятга эгалигини, уларнинг оила ички ҳаётига ва ижтимоий ҳаётга таъсири катта эканини қайд этиш жоиз. Мамлакатимизда Мустақиллик куни, Наврўз, Янги йил ва Ҳайит байрамлари энг севимли байрамлар ҳисобланади.

Тадқиқот давомида республика фуқароларининг аксарияти /85,2 фоиз/ Ўзбекистон тарихига катта қизиқиш билан қараши аниқланди. Эътиборли томони шундаки, қишлоқ аҳолиси Ватан тарихига шаҳарликлардан кўра кўпроқ қизиқади. Умуман олганда, тарихни ўқув муассасаларида ўрганаётган 18-20 ёшдаги ўсмирларнинг мазкур мавзуга қизиқиши, айниқса кучли.

Умуман, ижтимоий сўров жамоатчилик фикрида оила ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини кўрсатди. Бахтли оилани таърифлашда ахлоқий ва моддий омилларнинг уйғунлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Оилавий қадриятлар орасида эса фарзандларни маънавий етук қилиб тарбиялашга устувор аҳамият берилмоқда. Кўпчилик ўз оилаларидаги муносабатларни яхши деб ҳисоблайди, бунинг бош сабабини ўзаро ҳурмат ва сабр-қаноатда деб билади. Энг муҳими, демократлаштириш ижтимоий жараён сифатида оилада ҳам мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Сўралганларнинг кўпчилиги оилавий ҳаётга оид муҳим масалалари бўйича қарор болаларни биргаликда тарбиялаши лозим бўлган ҳам ота, ҳам она томонидан қабул қилиниши керак деган фикрда. Ўтказилган ижтимоий тадқиқот натижаларидан кўринадики, Ўзбекистонда оила институти тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

**"Ижтимоий фикр" маркази материаллари асосида ЎзА мухбири А. ИВАНОВА тайёрлади.**

